

• Нукус шаҳрида бўлиб ўтган фаоллар йиғилишида Қорақалпоғистон Республикасини 2009 йилнинг биринчи ярмида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда иқтисодий барқарор ривожлантиришнинг устувор вазифалари муҳокама этилди.

• Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси ташаббуси билан Ички ишлар вазирлигининг бош бошқармаларидан бирида мамлакатимиз Мустақиллигининг 18 йиллигига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди. Депутатлар ва бошқарма шахсий таркиби вакиллари «Мустақиллик биз учун — ўзлимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигини таъминлаш, инсон манфаатлари, турмуш фаровонлиги гаровидир» деган эзгу ғоя атрофида фикр алмашдилар.

• Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик судининг кенгайтирилган Раёсат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Республика ҳужалик судлари томонидан 2009 йил биринчи ярмида бажарилган ишлар сарҳисоб қилинди.

• Бекобод шаҳрида учта спорт иншооти бунёд этилмоқда — 15 минг томошабинга мўлжалланган стадион, ёпиқ сузиш ҳавзаси ва «Ёшлик» спорт-соғломлаштириш мажмуасида қурилиш-монтаж ишлари якунига етиб қолди. Барча учта иншоотнинг Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилиши режаланган.

• Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида Сурхондарё вилоятида замонавий хорижий технологиялар билан жиҳозланган 15 та корхона фойдаланишга топширилди. Жумладан, қуни кеча Музработ туманидаги Шариф Бобоев номидаги маҳаллада масъулияти чекланган акциядорлик жамияти томонидан тўқувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган кичик корхона ишга туширилди.

• Наманган вилояти, Тўрақўрғон туманидаги «Истиклол» фермер ҳужалигида фермер Қодиржон Шерматов томонидан ташкил этилган меваларни қайта ишлаш ва қадоклаш бўйича янги цехда консерваланган меваларнинг дастлабки туркуми ишлаб чиқарилди.

• Навоий шаҳридаги «Боғчакалон» кичик корхонасида йодланган туз ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. «Боғчакалон тузи» номи билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга харидорлар ўртасида талаб катта. Замонавий технологиялар асосида фаолият кўрсатаётган ушбу кичик корхонада маҳаллий ёшлар учун ўндан ортиқ иш ўрни яратилди.

ЖАҲОНДА

• Кеча Қирғизистон Марказий сайлов комиссияси мамлакатда ўтказилган президент сайловларида амалдаги давлат раҳбари Курманбек Бакиев сайловчиларнинг 76,43 фоиз овозини олган ҳолда ғолиб чиққанлигини расман эълон қилди.

• Эртага Молдовада мuddатидан илгари ташкил этилаётган парламент сайловлари бўлиб ўтади.

• Россия Федерацияси Президенти Д.Медведев мамлакат ҳукуматига жорий йилда уй-жой ипотека кредитининг узоқ мuddатга мўлжалланган ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш вазифасини топширди.

• Кеча Халқаро космик станцияга ташланган АҚШнинг «Индевор» космик кемаси астронавти бейнчи бор очик кoinотга чиқиб, 5 соат давомида ўзларига юклатилган вазифани муваффақиятли адо этдилар.

• Кеча Жанубий Африка Республикасининг турли шаҳарларида 10 мингдан ортиқ давлат хизматчилари маошларининг оширилишини талаб қилган ҳолда намойишга чиқдилар.

• Саудия Арабистони Соғлиқни сақлаш вазирлигининг билдиришича, мамлакатда А/Н1Н1 гриппи билан боғлиқ дастлабки ўлим ҳолати қайд этилди.

• Еврокомиссия Латвияга 1,2 миллиард долларлик навбатдаги тезкор кредит ажратилишини маълум қилди.

• Европа Иттифоқи Кенгаши ўзининг Грузиядаги мониторинг бўйича миссияси мuddатини яна бир йилга узайтиришга қарор қилди.

• Кеча Францияда ҳаво шарларини учирини бўйича аънавий халқаро фестивал бошланди.

• Кеча Доғистоннинг Нагай районида ҳар хил русумдаги «Лада» автомобилларининг ўзаро тўқнашиб кетиши натижасида 11 киши ҳаётдан кўз юмди. Улардан икки нафари болалардир.

• Нигерияда ҳукумат қўшинлари ва жангарилар ўртасида тўқнашув бўлиб ўтди. Отишмалар чоғида босқинчилардан 42 нафари йўқ қилинган. Баъзи бир манбаларда Нигерия босқинчиларининг «Толибон» жангарилар гуруҳи билан алоқадорлиги хусусида ҳам сўз юритилади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 147 (11.458)

Баҳоси эркин нархда



МУСТАҚИЛЛИК

18

«Мустақиллик биз учун — ўзлимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишининг гаровидир»

ПОЙТАХТНИНГ

БИР КУНИ

2200
ТОШКЕНТ

ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИ



Энг азиз, энг улуг айём — Мустақиллик байрамининг 18 йиллиги, кўҳна ва навқирон пойтахтимизнинг 2200 йиллиги катта шодиёна билан нишонланганидан кунлар яқинлашгани сари унга қизгин тайёргарлик кўрилмоқда. Ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, кенг кўламдаги бунёдкорлик ишларидан шаҳар ҳуснига-ҳусн қўшилиб, тобора чирой очмоқда.

ЯНАДА ОБОД БЎЛ, ЖОНАЖОН ШАҲРИМ!

Кўплаб тарихий обидалар, бино ва иншоотлар, ижтимоий-иқтисодий, маданий объектларга бой бўлган, кундан кунга чирой очиб энг намунали худуд тимсолида бўй кўрсатаётган Шайхонтоҳур туманида ҳам айни кунларда ҳар соҳада ишлар қизгин бормоқда. Туман худудини айланган киши катта байрам тарадуду аҳолининг каттаю кичиги қалбини забт этгани, «тўйга тўёна» билан боришдек азалий одатларимиз улар ишида, юриш-туришида ёрқин акс этиб турганига гувоҳ бўлади.

Шайхонтоҳур тумани 1929 йилда ташкил топган бўлиб, Собир Рахимов, Юнусобод, Учтепа ва Чилонзор туманлари билан чегарадош. Туманининг умумий майдони 29,7 квадрат километрни ташкил этиб, 283,7 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Туман худудида 49 та маҳалла, 230 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари, 5 та олий ўқув юрти, 10 та касб-ҳунар коллежи, 5 та академик лицей, 37 та умумтаълим мактаблари ва 46 та мактабгача таълим муассасалари бўлиб, ушбу таълим масканлари келажак эгаларининг жисмонан соғлом ва маънан баркамол ҳолда воёга етишларига хизмат қилмоқда.

Айни кунларда туман микёсида қурилиш тармоғи, транспорт, алоқа, савдо-сотик хизмати, таълим, маданият, спорт йўналишлари кенг ривожланиб кўрсаткичлар ҳам шунга яраша ортиб бормоқда. Туманда фаолият кўрсатаётган «Spentex Tashkent Toytara», «Шарқ модел», «Текстайл импекс», «Тошкент қувурлар заводи», «Ўз Тексако» каби қўшма, «Ротор», «Ниҳол», «Ўзбекистон» наشريёти ва «Ўқитувчи» каби корхоналар сифатли, рақобатбардош, бозор талабларига жавоб берадиган маҳсулотлари билан иқтисодий ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Шунингдек, туманда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 апрелдаги «Тошкент шаҳри-

нинг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш бўйича ишчи гуруҳи тузилиб бугун туманининг ҳар бир худудида режали ишлар амалга оширилмоқда. Аввало туман худудидаги барча маҳаллалар, олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари, туман халқ таълими бўлими, корхона ва ташкилотларда кенг ҳажмдаги ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Жумладан, тумандаги 60 та кўп қаватли уй-жойларнинг фасад қисмлари таъмирланиб, 125 та кўп қаватли уй-жойлар тартибга келтирилган. 42 километр шох кўчалардаги ариқларни тозалаш режага киритилган бўлса, ҳозирда 28,8 километр ҳажмдаги ишлар амалга оширилган ва бу юмушлар айни кунларда қизгин кетмоқда. Бугунги кунда тумани янада ободонлаштириш бўйича 600 та япон сафораси, 145 та каштан дарахти, 2500 та терак дарахтлари, 10.600 та игна баргли, 8500 дона мевали, 12000 та бута ва 245 минг донадан ортиқ турли хилдаги гуллар экилган.

Бундан ташқари тумандаги ҳар бир ўқув юртида, маҳалла ва корхоналарда мустақилликдек улуг неъмат ва шаҳар юбилейининг мазмун-моҳиятини аҳолига, айниқса ёшларга янада кўпроқ англатиш, улар онгига етказиш мақсадида «Сиз Шошни биласизми?», «Энг



фаол тарғиботчи», «Тошкентнинг ой қизиман», «Энг намунали тadbиркор ёш оила», «Барҳаёт аъналар» каби бир қатор кўрик-танловлар, маънавий-маърифий тadbирлар ўтказиб келинмоқда.

Бир сўз билан фикримизни ифода этадиган бўлсак, туман аҳолисининг ғайрати, шижоати байрамни ҳар бир соҳада ютуқларга эришиб кутиб олишга қаратилган. Тумандаги корхона, ташкилот, ўқув муассасаларида бўлиб ёшу кексаннинг кўнглидан кечаётган фикрлар билан танишиб мана шундай хулосага келдик: «Байрам биз учун мана шундай қадрли ва ардоқли. Уни албатта ёруғ юз, покиза дил, саранжом-сарийшта хонадон, файзли, баракали ишларимиз билан кутиб оламиз».

(Шайхонтоҳур туманига бағишланган материаллар билан газетамизнинг 2-саҳифасида танишасиз)

ИСТИҚЛОЛ ИЖОДКОРЛАР НИГОҲИДА

Ўзбекистон Бадий академияси марказий кўргазмалар залида мазкур академия ва Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси ҳамкорлигида Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллиги ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган маънавий-маърифий анжуман ўтказилди.

Ўзбекистон Бадий академияси расиси Т.Кўзиёв, санъатшунос олим А.Ҳакимов ва бошқалар халқимизнинг асрий орзуси ва буюк тарихий ютуғи бўлган мустақиллик юртимизда яшаётган ҳар бир инсон учун кенг ҳуқуқ ва эркинликлар берганини таъкидлади. Барчамиз учун энг улуг неъмат саналмиш мустақиллик ҳар бир фуқаронинг иқтисодий-ижтимоий, маданий-маърифий соҳаларда истеъдод ва қобилиятини тўла намоеён этиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқаришнинг мустаҳкам гаровидир.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида янги ҳаёт, янги жамият барпо этиш, навқирон авлодни баркамол шахс этиб воёга етказиш, миллий маданиятимиз ва санъатимизни янада равнақ топтириш, ижодкорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришнинг изчил механизми яратилди. Юртимизда тасвирий санъатга оид бой миллий меросимизнинг қайта тиклангани, уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаб, ўзига хос ноёб мактабларнинг қадимий аъналарини авлодларга етказиш йўлида салмоқли ишлар олиб борилаётгани бунинг ёрқин ифодасидир. (Давоми 4-бетда).

ИШОНЧ ЁРЛИКЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикасининг Малайзиядаги Факуллода ва мухтор элчиси Шукур Собитов ушбу мамлакат қироли Мизан Зайнал Абидинга ишонч ёрликларини топширди.

Бўлиб ўтган мулоқот чоғида Малайзия қироли сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий гуманитар соҳалардаги Ўзбекистон — Малайзия муносабатларининг бугунги ҳолати ва ривожланиш истиқболларини ижобий баҳолади.

Малайзия қироли унинг мамлакат икки давлат халқлари манфаатлари йўлида Ўзбекистон билан Малайзия ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантиришга қизиқиш билдираётганини маълум қилди.

«Жаҳон» АА

ҚИСҚА САТРАЛДАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.


✓ **РЕСПУБЛИКА** Молия вазирлиги ўқув марказида соҳа ходимлари иштирокида ўтказилган семинар-тренинг кадрлар малакасини оширишнинг аҳамиятига бағишланди.

✓ **ЎЗБЕК** Миллий академик драма театрида азим пойтахтимизнинг 2200 йиллигига бағишлаб бадий ҳаваскорлик жамоалари ўртасида уюштирилган «Ягонасан, муқаддас Ватан» кўшиқлар кўрик-танловининг республика саралаш босқичи ўтказилди.

✓ **КЕЧА** Республика Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, «Соғлом авлод учун» жамғармаси ҳамда Бадий академия ҳамкорлигида имконияти чекланган болалар ўртасида ташкиллаштирилган «Мафтуркор ранглар олами» расмлар кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

✓ **GERMANYDA** дунё мактаблари ўқувчилари ўртасида математика фани бўйича ўтказилган халқаро олимпиадада совриндор бўлган ўзбекистонлик ўқувчилар Тошкентга қайтиб келишди.

ШАЙХОНТОХУР ТУМАНИ



ТИНЧЛИК ВА ДУСТЛИК РАЙОНИ
2200
2009
ТОШКЕНТ

ЯНАДА ОБОД БЎЛ, ЖОНАЖОН ШАХРИМ!

Бу борада Шайхонтохур туманида амалга оширилётган ишлар кўламага назар соладиган бўлса, туманда 17 та даволаш-профилактика муассасалари мавжуд бўлиб, улардан 10 таси оилавий поликлиника, 5 таси касалхона, 1 таси тери таносил касалликлари диспансери, 1 таси болалар стоматология поликлиникаларидир. Замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланган, ёруғ, кўркам биналарда беморларга ҳар қандай шароитда тез, сифатли хизмат кўрсатишга барча шарт-шароитлар яратилган тиббиёт муассасаларида бугун «Соғлом бола — соғлом она» мақсади сари ички иш олиб боришмоқда.

Туманимиз ва шаҳримиз аҳолисига намунали, зарур ва тез ёрдамни кўрсатиш учун малакали, олий тоифали шифокорлар, фан докторлари ва номзодлари туну кун хизматга шай туришди, — дейди Шайхонтохур тумани ҳудудий-тиббий бирлашма бош шифокори Салоҳиддин Баҳирдиханов.

— 285 мингдан ортиқ аҳоли, 6235 нафар фертил ёшидаги аёллар, 72.000 дан ортиқ болалар ва 20.000 га яқин вояга етмаган

ўсмирларнинг соғлом, бақувват бўлиб касалликни тез енгиб ўтишлари ёки касалга умуман чалинмасликлари учун туман ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, туман «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ЁИХ туман бўлими билан режа асосида, ҳамкорликда иш олиб борамиз. Тумандаги 49 та маҳалла, корхона, ташкилот, ўқув муассасаларида турли мавзуларда суҳбатлар ўтказамиз. Президентимизнинг 2009 йил 13 апрелдаги «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижроси бўйича мувофиқлаштирувчи туман комиссияси тузилиб бугунги кунда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлод туғилиши ва тарбияланишини яхшилаш бўйича «Соғлом она — соғлом бола» мақсади вазифаси асосида иш олиб боришмоқда.

Биргина мисол келтирадиган бўлса, бугунги кунда Абу Али ибн Сино номидаги 1-шаҳар клиник шифохонасида хирургия, лор, урология, УЗИ, терапия, пульмонология, неврология, аллергология бўлимлари, 6 та марказда олиб борилаётган самарали ишлар, шифокорларнинг кўрсатаётган беминнат ёрдамлари туфайли шаҳарнинг ис-талган тумани ва ҳудуддан беморлар келиб даво топиб кетмоқдалар.

— Ўтган йили шифохонамизда Япония, Германия, Россия ва Хитой давлатларидан энг охириги русумдаги тиббиёт жиҳозлари келтирилди, — дейди 1-шаҳар клиник шифохонаси бош шифокори С.Баҳирдиханов. — Бу, албатта тақдир тақозоси билан турли дардлардан азизат чекаётган беморларнинг тезда соғайиб кетишига хизмат қилмоқда. Қўли энгил шифокорларимиздан Абдурашул Шуку

Кейинги йилларда юртимизда оналар, болалар ва умуман аҳоли саломатлигини сақлаш, ижтимоий ҳимоя, соғлом фарзандлар туғилиши, нигонлигининг олдини олиш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилиб, уларнинг ижобий самаралари бугун бўй кўрсатмоқда.

ХАЛҚ СОҒЛИГИ — ЮРТ БОЙЛИГИ

ров, Муҳаббат Қулабдуллаева, Манзура Шоёқубова, Матлуба Нурмухаммедова, ҳамширалар Муқаддам Усмонова, Холида Эгамбердиева, Муҳаббат Ариповалар эл дуосини олиб келмоқдалар.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, 1-шаҳар клиник шифохонасида бўлганимизда ҳудуднинг ниҳоятда озода, кўккаламзор, гул чечакларга бурқангани, гулзорлардаги тахтачаларда эса унга масъул бўлимлар номи ёзилганига кўзимиз тушди.

— Гузал пойтахтимизнинг 2200 йиллигини муносиб кутиб олиш учун катта ҳажмдаги ободонлаштириш, бунёдкорлик ишларини амалга оширдик, — сўзида давом

этади бош шифокор. — Иккита бинонинг фасадлари таъмирдан чиқарилди ва ички таъмирлаш ишлари бугун жадаллик билан кетмоқда. Ҳар бир бўлим шифокори, ҳамшира ва кичик хизмат ходими аввало палаталари ва ҳудуднинг озодаллиги, хушхаво бўлишига масъул. Улар нафақат беморларнинг тезда соғайишлари, балки бутун ён-атрофнинг озода, гузал бўлиши, дарахт ва гулларнинг кўм-кўк бўлиб янбаб туришига ҳам қайғурдилар, меҳнатларини аямалдилар. Мақсадимиз улуғ ва азиз байрам — Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги ва пойтахти азимининг 2200 йиллигини меҳнатда яхши кўрсаткичларга эришиб кутиб олишдир.

— Шундан сўнг Кинлан хоним шартномани бекор қилиш учун Интернет-аукцион менежерига кўнғирок қилади. Аввалига бу бўлмағур ҳазил дея жавоб қайтаришади. Бундай тушунмовчилик охири-оқибат ҳал қилинади ва экскаватор катта ёшли харидорга сотилади. Энг қийин жараён эса қизчанинг тутган йўли нотўғри эканлигини тушунтиришда бўлади. Онаси унга «Пипи, сен оилавий пулларимизнинг барини 20 минг муқаймоққа сарфлаганингни биласанми?», дейди. «Шундан сўнггина қизим тушуниб етди, — дейди Кинлан хоним журналистига.

— Ёши ўтган инсонлар хотиралари билан боғлиқ муаммодан қочини хоҳлашса, қон таркибидаги қанд миқдорига эътиборли бўлишлари лозим. Қон таркибида қанд миқдорининг юқори бўлиши натижасида хотиранинг фаоллиги пасаяди. Нью-Йоркдаги Колумбия университети олимлари олиб борган тадқиқотлардан қуйидаги хулосага келишди. Олимлар инсоннинг ёши улғаявгач қанд миқдорининг сусайиши, хотира пасайишининг олдини олиш лозимлигини таъкидлашмоқда. Бунинг учун жисмоний фаоллик катта эътибор қаратиш лозим. Юриш, велосипедда учиб, бир сўз билан айтганда, спортнинг энгил турлари билан шугулланиш қон таркибида қанд миқдори пасайишига ёрдам беради. Бу эса хотира яхшиланиши деганидир.

— Аёллар соати, сумкалари ва турли хил аксессуарлар чиқарувчи таниқли фирма «Луи Вуйтон» яқинда ўзининг янги маҳсулотлари кўргазмасини ўтказди ва барчани ҳайратга солди. Саҳнага кўларидан сумка билан моделлар чиқарилди. Улар кўринишидан хитойча каттак гулли сумкаларга ўхшашарди.

Маҳалла

«СУЗУК ОТА»ДАГИ ИБРАТЛИ ИШЛАР


Шайхонтохур туманида Кўкалдош мадрасаси, Юнусхон, Шайх Зайниддин бобо ва Шайх Хованди Тохур, Сузук ота каби қадимий обидалар жойлашган. Президентимиз ташаббуслари билан ушбу тарихий масканларда бугун кенг кўламли тиклаш ишлари амалга оширилиб, улар бетакрор қиёфа касб этиб бормоқда.

Қадимдан ушбу туманда аҳоли дегрезлик, эгарчилик, тўқувчилик каби хунарлар билан шугулланишган. Қатор маҳаллаларда эса хунармандлар сулоласи мавжуд бўлиб бугун ушбу хайрли анъана давом этиб келмоқда.

— «Сузук ота» маҳалласи туманимиздаги энг қадимий маскан ҳисобланади, — дейди туман ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Сурайёхон Пулатова. — Бу ерда Хожа Аҳмад Қасбийнинг кенжа набираси бўлган хунармандлар устози Сузук ота яшаган. Улуғ соҳибқирон Амир Темур бу улуг зотга атаб мақбара ва масжид қурдирган. Юртбошимизнинг «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорига асосан бугун Сузук ота мақбараси ҳамда масжидида катта бунёдкорлик ишлари амалга

оширилиб, деярли вайрона ҳолга келиб қолган мақбара қайта тикланиб, жомеъ масжид таъмирланди.

— Маҳалламизда 3690 нафар аҳоли истиқомат қилади, — дейди «Сузук ота» маҳалласи котиби Абдурашид Абдуллаев. — Ён бешта комиссиямиз ҳар бир ўтказиладиган тадбир, тўй, маърака, ободонлаштириш, бунёдкорлик бўйича фаоллар билан келишган ҳолда иш олиб боради. Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги ва пойтахтимиз тўйини уйимиз остонасидан бошлаб озодалликка эътибор қаратган ҳолда гул, дарахтларни экиб, ҳудудимизни ободонлаштириб кутиб олишга аҳд қилганмиз. Кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилаларга ҳаммаи ёрдам қўлини чўзамиз. Гапимизнинг исботини бизнинг «Сузук ота» маҳалламизга келиб кўришингиз мумкин.



— Оромгоҳимизда болажонлар мароқли, мазмунли ҳордиқ чиқаришмоқда, — дейди 59-мактабнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича раҳбар ўринбосари Зарифа Пирмухаммедова.

Тумандаги сўлим ва баҳаво ушбу таълим масканига кириб келганимизда эътиборимизни митти фавворалардан отилиб турган муздек сувнинг тафти, майин шаббод, озода, саранжом-сарийша хоналар, болажонларнинг қувнок, шўх кулгулари тортиди.

Шунинг ўзидан ҳам ёнги таътил вақтида тўрт мавсумда 110 нафар кичикинтойларнинг яхши дам олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган ушбу мактабда ишлар рисоладагидек кетаётгани яққол кўриниб туради.

— Хитой тилига ихтисослаштирилган мактабимизда 6 ёшдан 11-12 ёшгача бўлган болажонлар 7 та гуруҳда, мазза қилиб дам олишмоқдалар, — дейди «Бинафша» оромгоҳи раҳбари Феруза Эргашева. — Уларнинг мароқли ҳордиқ чиқаришлари учун яхши жиҳозланган дам олиш хоналари, шириндан-шаккар таомлар тайёрланадиган ошхона, «Моҳир кўлар», «Чет тилларини ўрганиш» каби тўғарақлар, спортнинг турли йўналишлари билан шугулланишлари учун барча шароитлар яратилган. Мадааний дам олишлари учун кўнғирок, ёш томошабинлар театрлари, турли

танлов ва кўргазмаларга олиб борамиз. Яқинда Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида асфальтга расм чизиш бўйича оромгоҳлар ўртасида бўлиб ўтган танловда оромгоҳимиз ҳам қатнашди.

— Мактабимиз хитой тилига ихтисослаштирилган бўлса-да, корей тили ҳам муқаммал ўргатиб келинмоқда. Ўқувчиларнинг тилларини пухта ўрнаттиришга катта амал қилинган боис улар мактабни битириб академик лицей ва касб-хунар коллежлари, олий ўқув юрталари синовларидан муваффақиятли ўтиб, ўқишни давом эттирмоқдалар ёки турии даражадаги танловларда қатнашиб юқори ўринларни эгаллаб келмоқдалар, — дейди 59-мактаб директори Фахриддин Шамсиев. — Ўқувчиларимиз ўз устларидан ишлаб билим ва малакаларини ошириш йўлида изланишмоқда. Мақсад баркамол, етук, ҳар соҳанинг билимдони бўлган ёшларни тарбиялаш экан, биз ҳам мана шу хайрли ва эзгу ишга ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшимиз керак. Шюрийимиз ҳам мана шунга қаратилган. Эртанги кунимизга муносиб, жисмонан соғлом ва ақдан баркамол шахс тарбиячиси бўлишга интилиш.

— Айтиш мумкинки, ушбу таълимланган маскани наинки туманда, балки шаҳар миқёсида ҳам ўз ўрни, маънавиятга эга бўлиб, унда 850 нафар ўқувчилар 50 нафардан

Саҳифани Шоира МУҲАМЕДОВА тайёрлади. Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар.

СИРЛИ ОЛАМ

Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди

● Британиялик Пери Уаткинс дунёдаги энг кичкина машинани лойihalаштирди. У уйинчоқ автомобилни муваффақ бўлди. Автомобиль рўйхатдан ўтганиги боис, оддий йўллардан юришга руҳсат этилган. Бундай кичкина машинанинг бўйи метрдан ошмайди, кенглиги эса — 66 сантиметрни ташкил қилади. Жонбоз конструктор автомобилни 150 куб сантиметрли мотор, ойналар, ойнатозалагичлар ва фонарлар билан жиҳозлади. Айтиш кераки, авваллари Пери Уаткинс бир неча дунё рекордларини ўрнатган. У уч маротаба дунёдаги энг кичкина машинани яратишга муваффақ бўлди.

● Италиянинг Турин шаҳридаги қариялар уйидаги 102 ёшли кампир билан фаройиб ҳодиса рўй берган эди. Нимадир бўлиб, зўрға юрвучи кампир ўз хонасининг айвончасига чиқади ва қариллик сабаб, боши айланиб, нақ тўққизинчи қаватдан паस्ता кулаб тушади. Ваҳима билан ерда ётган кампирнинг бошига етиб келган одамларнинг унинг аллақачон ҳалок бўлганига ишончи қомил эди. Бироқ буни қарангки, кампир соппа-соғ, бошқача қилиб айтганда «тирик», фақат у ер, бу ери энгил-елпи шилинган экан ҳолос! Ушбу «парвоз»идан кейин ҳам кампир яна бир неча йил умргузаронлик қилиб, ўз тўшагида, «бемалол» жон тақсим этган экан.

● АҚШда фақатгина кўзойнакни тозалаш учун кир ювиш машинаси ишлаб чиқарилди. Ушбу ағривор қорали кўзойнакни бор-йўғи қирқ соғияда тозалаш мумкин экан. Тиниб-тинчимасан одамлар нима-ларни ўйлаб топишмайди-а?

● 22 июнь кун 3,65 минг британиялик Стоунхенж олдида ёзги қуёш туриши (кундуз энг узун, тун энг қисқа бўлган кун)ни кутиб олишди. Бу борадаги сўнгги рекорд 2008 йилда ўрнатилган. Ушунда ёзги қуёш туришини Стоунхенж атрофида 28 минг нафар киши кутиб олган. Очиғи, 2008 йилда бўлган каби 2009 йилда ҳам йилгиланлар булутли ҳаво туфайли тонг отишини кўра олмадилар. Соат миллари 4:58 дақиқа ўтганини кўрсатганда йилгиланлар бақир-чақир билан янги кунни кутиб олдилар.

● Янги Зеландияда яшовчи уч ёшли қизалоқ Интернет-аукциондан ўзи билмаган ҳолда экскаватор сотиб олишга муваффақ бўлди. Қизалоқ — Пипи Кинлан ота-онаси ухлашга ётганида компьютернинг олдида бориб, «сиққонча» билан ўйнашга киришади. Компьютер эса Интернет тизимига уланган бўлган. Ҳаммаси ўшандан бошланган. Эрталаб қизчанинг онаси Интернет-аукциондан йўлланган электрон мактубни ўқийди. «Экскаватор сотиб олганингиз учун миннатдорчилик билдираимиз. У сизга ёқадиган умиддамиз». Хатда унинг нархи — 20 минг янги Зеландия доллари эканлиги ҳам кўрсатилган. Шундан сўнг Кинлан хоним шартномани бекор қилиш учун Интернет-аукцион менежерига кўнғирок қилади. Аввалига бу бўлмағур ҳазил дея жавоб қайтаришади. Бундай тушунмовчилик охири-оқибат ҳал қилинади ва экскаватор катта ёшли харидорга сотилади. Энг қийин жараён эса қизчанинг тутган йўли нотўғри эканлигини тушунтиришда бўлади. Онаси унга «Пипи, сен оилавий пулларимизнинг барини 20 минг муқаймоққа сарфлаганингни биласанми?», дейди. «Шундан сўнггина қизим тушуниб етди, — дейди Кинлан хоним журналистига.

● Ёши ўтган инсонлар хотиралари билан боғлиқ муаммодан қочини хоҳлашса, қон таркибидаги қанд миқдорига эътиборли бўлишлари лозим. Қон таркибида қанд миқдорининг юқори бўлиши натижасида хотиранинг фаоллиги пасаяди. Нью-Йоркдаги Колумбия университети олимлари олиб борган тадқиқотлардан қуйидаги хулосага келишди. Олимлар инсоннинг ёши улғаявгач қанд миқдорининг сусайиши, хотира пасайишининг олдини олиш лозимлигини таъкидлашмоқда. Бунинг учун жисмоний фаоллик катта эътибор қаратиш лозим. Юриш, велосипедда учиб, бир сўз билан айтганда, спортнинг энгил турлари билан шугулланиш қон таркибида қанд миқдори пасайишига ёрдам беради. Бу эса хотира яхшиланиши деганидир.

● Аёллар соати, сумкалари ва турли хил аксессуарлар чиқарувчи таниқли фирма «Луи Вуйтон» яқинда ўзининг янги маҳсулотлари кўргазмасини ўтказди ва барчани ҳайратга солди. Саҳнага кўларидан сумка билан моделлар чиқарилди. Улар кўринишидан хитойча каттак гулли сумкаларга ўхшашарди.



● Футбол бўйича Испания терма жамоасининг Конфедерация кубогидидаги ЖАР футболчилари устидан қозонган ғалабаси янги рекорд ўрнатилишига сабаб бўлди. Испанияликлар 15 та ўйинда кетма-кет ғалаба қозониб, Австралия, Бразилия ва Франциянинг аввалги рекордини янгилади. Шунингдек, футбол бўйича Испания терма жамоаси яна бир рекорд, яъни Бразилиянинг 1993-1996 йиллардаги маглубиятсиз сериясини янгилашга муваффақ бўлди.

● Бюрштадт шаҳри бўйлаб ўз велосипедида сайрга чиққан 80 ёшли олмон нафақахўри сумкасини олиб қочган ўғрига етиб олиб ўз нарсаларини қайтариб олган. Маълум бўлишича, кампирнинг ёнида нотаниш велосипедчи пайдо бўлган ва саватидаги сумкани олиб қочган ҳамда беркинишга уринган. Қария эса ўзини йўқотиб қўймайди ва қонунбузар орқасидан тушади. У йўлда ҳайдовчилар ёрдамида велосипедчи — ўғрини қўлга туширади ва полицияга топширади. Қария сумкасини тунанган кимса — 41 ёшли эркак киши қўлга олингандан сўнг доворяқ кампирнинг буюмлари қайтарилди.

● Америкалик Жои Чеснат кетма-кет учинчи бор хот-дог ейиш бўйича жаҳон чемпиони бўлди. Бу сафар ғолиб 68 та булочка ва сосискани паққос тушириб, янги рекорд ўрнатган. Шунингдек, ғолибнинг энг жиддий рақиб орти карра чемпиони, япониялик Такеура Кобаяси ҳам ўз шахсий рекордини янгилади. У белгиланган 10 дақиқа ичда 64 та хот-дог ейишга муваффақ бўлган. Мусобақанинг 9 дақиқасида Чеснат, Кобаяси ва қолган 17 нафар иштирокчи деярли бир хил натижа кўрсатишаётган. Аммо сўнгги дақиқада Чеснат олдинга чиқиб олди. «Мен кўп машқ қилдим», — дейди ғолиб. Ушбу мусобақада ғалаба қозониш учун Чеснат хот-дог ейишини қўлай услубини ишлаб чиқишига тўғри келди. Эслатиб ўтамиз, ушбу беллашув ҳар йили 4 июль — АҚШнинг Мустақилликни қўлга киритган кунда бўлиб ўтади. Илк чемпионат 1916 йили бўлиб ўтган. Мусобақа низомига қўра ғолиб 10 минг доллар билан тақдирланади.

ТАДБИРКОР

Миллий хунармандчиликнинг ёғоч ўймакорлиги йўналишида фаолият кўрсатаётган хунарманд усталарнинг изланишлари улар тайёрлаётган ва довруғи нафақат юртимизда, балки чет элларда ҳам маълуму машхур маҳсулотларда ўз аксини топмоқда.



Мирсаид Нигматов ҳам ана шундай усталар сирасидан бўлиб, ҳозирда у тайёрлаётган ёғоч ўймакорлиги маҳсулотларининг сифати ҳамда рақобатбардошлиги ортиб бормоқда. Ушбу хунар билан 7 йилдан буён шуғулланаётган Мирсаид усталари Зиннатулла Алимбоев, Шўхрат Азимовларнинг ўғит ва маслаҳатларидан унумли фойдаланади, мазкур хунарнинг нозик жиҳатларини эринмай ўрганган. Шунинг баробарида бугунги кунда ўзи ҳам шогирдлар тайёрламоқда. У «Хастимом» мажмуаси-

Хунари гўзаллар

МУНОСИБ ТУҲФА БЎЛАДИ

даги «Бароқхон» мадрасасида меҳнат қилиб, ёғоч ўймакорлигининг паргор ва ислимий йўналишларидан фойдаланган ҳолда буюмлар тайёрламоқда.

— Мақсадим миллий хунармандчилик ривожига ўз хиссамни қўшиш, санъат даражасидаги буюмларимни нафақат ўз юртимизда, балки хорижда ҳам намойиш этиб, жаҳон миқёсига олиб чиқишдир, — дейди Мирсаид Нигматов. — Маҳсулотлар тайёрлашда асосан ёғоқ, чинор, ўрик, дуб дарахтларидан фойдаланаман. Аввал уларнинг эскизларини яратиш оламан. Сўнгра оддий ускуналардан фойдаланган ҳолда нақш ўйиб, ишлов бераман. Кейинги йилларда ёғоч ҳамда сополни уйғунлаштирган ҳолда яратган буюмлар-

римиз кўпчиликнинг эътиборини тортди.

Мирсаид республика миқёсидаги турли кўргазмалар, кўриктанловларда фаол иштирок этиб, маҳсулотлари эътирофга сазовор бўлмоқда. У ясаган ва ишлов берган янги турдаги қаламдон, лаган, лавҳ ва қутчалар ўзига хослиги билан ажралиб туради. Айни пайтда у пойтахтимиз Тошкентнинг 2200 йиллигини муносиб қутиб олиш мақсадида янги эскизлар устида иш олиб бормоқда. Албатта, М.Нигматовнинг янги ёғоч ўймакорлиги маҳсулотлари шахримиз тўйига муносиб туҳфа бўлади.

Нозима АКРОМОВА

СУРАТДА: Мирсаид Нигматов ўзи тайёрлаган янги маҳсулотини намойиш этмоқда.



УЛУҒ САЛТАНАТ

(Тетралогиянинг «Мирношоҳ Мирзо» номли учинчи китобидан айрим боблар)

Муҳаммад АЛИ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат мукофоти лауреати

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

Амирлар соҳибқироннинг битта-иккита оқ оралаган қуюқ қошлари чимирилганини кўришиб, орға бошқа гап сиймаслигини англадилар. Гиждудондан ўтиб, Жўйи Зар мавзёга етганларида, Амир Темури холсилликдан отда ўлтира олмай қолди. Жилла курса, бир лаҳза ёстиққа бош қўйиб, оёғини узатиб ётмоқ соҳибқироннинг ягона орузисига айланди. Ҳамма тарафда тушди. Соининг ёқасидаги хушманзара бир богда тўхтадилар. Соҳибқиронни катта тол тагида тикилган шох чодир ичига ётқиздилар. Атрофда катта-катта қишлоқлар кўзга ташланарди. Аҳволи тобора оғирлашаётганини сезган соҳибқирон Муҳаммад Чурога дод-хоҳга қаради:

— Мамат... — Амир Темури ҳарсиллаб нафас олди. — Дардининг келиши хунуқроқ... Оёқнинг оғриги кучайган... Аъзои баданим эзилган... Тоам тиламасмен. Томоғимда куруқ йўтал бор, йўталсам нафас қисадур... Кунларим тугаб бораётганим... билмаймен...

Кейин Жаҳоншоҳ ибн Жужука кўзи тушиди-ю, негадир бехол деди:

— Падари бузрукворинг ҳам худди менга ўхшаб дардга чалинганди, амирзода... Соҳибқирон Чурони тескари ўғирди.

Муҳаммад Чурога додхоҳ ҳеч қачон соҳибқиронни бундай умидсиз алфозда кўрмаганди, кўзларидан чирт этиб ёш чиқиб кетди:

— Нималар деяпсиз, ҳазрат? Қўрқитмангиз!.. Хар хил сўзни ҳам гапирмоқ жоиз эрма! Зинҳор сизга ярашмас! Худо сақласун! Худо пошшо эгам, деганлар... — Худо шифо берсун... Шифо бергай, илоҳим — сўз кўшиди Амир Сайфиддин неқўз.

— Шифо берсун! Ўзи асрасун! — тилка билдирди Жаҳоншоҳ ибн Жужука.

Шу палла чодирга кирган малика Чўлпон Мулк оқанинг бу гапларни эшитиб юраги қон бўлди, индамай соҳибқирон оёқларини уқалар экан, қоп-қора қийиқ кўзларидан қуйилган ёшлар нақшин олмадай гўзал чеҳрасини бетиним юварди...

Соҳибқирон бир неча йил аввал Олтин Ўрда ҳоқони Тўхтамышон билан савашга борганда, маликалар ичидан Чўлпон Мулк оқани танлаб ўзига ҳамроҳ қилди. Қутилмаганда Амир Темури Тошқандда қирқ кун касал бўлиб ётди. Самарқанддан маҳди улё Сароймулкхоним пешволигида барча маликалар етиб келдилар. Малика Туман оқа негадир ёнма-ён кундошлиқларидани, Чўлпон Мулк оқани доим гаш олиб юради, уни соҳибқиронга рашк қилади. Агар соҳибқирон Боғи Баландга ўтсалар ҳам, бунга ўша ёрда яшайдиган Чўлпон Мулк оқа айбдор, сафарларга боргани учун ҳам, ишқилиб, ҳамма-ҳаммасига гуноҳкор шу кичик малика... Бировдан ишоратсиз Чўлпон Мулк оқа нафас ҳам олмайди-ку, наҳотки муҳтарам малика шунини тушунмасалар?

Туман оқа ҳақида ҳам шундай гап юради, Чўлпон Мулк оқа бунини эшитган. Туман оқа ҳарамга қадам қўйган паллалар уни малика Дилшод оқа ҳеч тинчтирмас экан. Дилшод оқа, умидли дунё деганларидай, Туман оқадан олдинроқ фарзанди туғилишини истаркан. Ҳеч ким йўғида ёш келинчаққа заҳарини сочиб-сочиб оларкан. Кўп марта шундоқ тақрорланган. Охири гап Сароймулкхонимга етибди ва барҳам топибди. Кейин Оллоҳнинг қарамидан, чиндан ҳам, барча маликаларнинг кўзини кўйдириб, Дилшод оқанинг бўйида бўлипти, бироқ чақалоқ жуда қийинчилик билан туғилибди-ю, малика оламдан ўтди. Чақалоққа Султон Иброҳим деб ном қўйибдилар, умри билан бермаган экан, чақалоқ ҳам уч ойгина яшабди холос...

Энди Туман оқанинг ўзи Дилшод оқага айлибди қолди. У ҳам Чўлпон Мулк оқадан аввал фарзанд кўрсан, дейди шекилли... Тошқандда Туман оқа очикдан-очик Чўлпон Мулк оқанинг бетига солди:

— Ирим-сириминг билан валинеъматни ўзинга исити олдинг-а, беҳаё! Қасринг тегди! Ҳазратимни сен касал қилдинг! Ха!

Бу гапни эшитган Чўлпон Мулк оқанинг оқ юзи бадтар оқариб кетди! Тили болганганидан ҳеч нарса дея олмай бир лаҳза каловланиб турди. Мулоим ва майин Туман оқадан чиққан ғалати гаплардан қаттиқ таажужуба тушди, кейин ўзини унлашга тиришди:

— Ие... Вой... Бу нима деганингиз, аяккан... маликам?... Мен... Мен... — Ха, сен! Сен! Тагин «Мен!», «Мен!» дейди... Сен бўлмай ким? Йўқ, деб қур-чи!.. Илгари Амир соҳибқирон ҳеч оғирмасдилар... — Туман оқа «Боғи Биҳишда яшаганлариди...» демоқчиди, аммо ўзини тийди. — Сен келдингиз ул зот дам-бадам оғрийганидан отдай чиқардилар... Не қилмақдасен ўзи? Мақсадинг не? Хе, қасринг тегмай ўл! Илоҳи, ўзингга урсун!

— Касалга чалинсалар, Оллоҳнинг буюргани... — жигибирини чиқди Чўлпон Мулк оқанинг. — Ўзи шифосини берсун! Ҳеч қанақа мақсадим йўқ! Ҳеч қачон хасталанишларини истамасмен! Нега истар эканмен? Суянган тоғимни-я? Нима мен телба эканманму? Худо сақласун! Илоҳи, хизматларини қилайлик, дуоларини олиб юрайлик! Қўлим доимо дуои жонлариди, доимо сиҳхатларини тилаймен... Ҳазратим учун жонимни беришга ҳам тайёром, билсангиз, аяккан!..

— Хе, жонингни бермай ўл! Жонинг бошингдан қолгур!.. — жеркиб ташлади Туман оқа. Чўлпон Мулк оқанинг ўпкаси тўлиб кетди. Кейинги сўзлари йиги аралаш чиқди. У барини тушуниб турарди. Охири пайтларда соҳибқирон сафарга чиққанларида, факат ёш дундиқ малика Чўлпон Мулк оқага назарлари тушарди. Лекин сафарлар оқидан маликалар ўртасида қуръа ташлаганларида ҳам, негадир бориш, кўпинча, Чўлпон Мулк оқа чекига тушарди. Хос канизаклардан Дурсултон оқа билан Нигор оқаларининг ҳам омадлари чопарди. Туман оқага эътибор сусайгандек... Ушанда Амир соҳибқирон соғайган, яна кичик маликадан бошқа барчани, жумладан, Туман оқани ҳам Самарқандга қайтариб юбордилар. Ҳазрат агар уни кўпроқ тиласалар, маликанинг не чораси бор? Чўлпон Мулк оқа соҳибқирон кўзларига тик қарашга уялди-ю, сафарга мени олмангиз, малика Туман оқа ўқисмоқдалар, уни олиб кетингиз, деб қандай айта олади?

Энди унинг ҳадиксираб турган жойи бор. Сафарга бораётиб, ҳазратнинг Чўлпон Мулк оқа олдига тагин тоблари қочиб қолди. Тагин малика Туман оқага гап топилди, яна сен касал қилдинг, қасринг тегди, дейишлари аниқ... Шўрлик маликани намунча маломатларга қўйма-санг, эй парвардигор!.. Маликанинг хаёллари қочди.

(Давоми газетанинг келгуси сониди)

Интиланганга толе ёр

ЧЕВАРЛАР МАҲОРАТИ

«2009 йилда хизмат кўрсатиш ва кичик бизнес соҳасини аҳоли бандлигини таъминлаш ва ҳаёт даражасини оширишнинг энг муҳим омили сифатида янада жадал ривожлантириш — устувор вазифа бўлади», деб алоҳида таъкидлаб ўтди Президентимиз 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида.

Шу ўринда айтиш лозимки, кичик бизнеснинг ихчам ва ҳаракатчанлиги, бозор конъюктураси ўзгаришлари ва истемолчилар эҳтиёжларига нисбатан тез мослаша олиши уни жаҳон иқтисодий инқирози даврида янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадини ошириш борасида энг қулай ва мақбул воситага айлантиради. Шу боис ҳам жорий йилда кичик бизнесни янада қўллаб-қувватлаш вазифаси ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этиши айтиб ўтилди.

Чиндан ҳам, юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка яратилган кенг имкониятлар боис уларнинг сафи ортмоқда, юзлаб, минглаб кўшимча иш ўринлари яратилмоқда. Бундан бир неча йил илгари хусусий тадбиркор сифатида фаолият бошлаган Муҳаббат Тошмухамедова ҳам ана шундай қўллаб-қувватлашлардан оқилна фойдаланган ҳолда ўз имкониятларини чамалаб чиқиб хусусий корхона ташкил этди. 2006 йилда 10 нафардан зиёд ишчи билан иш бошлаган жамоада, бугунга келиб уларнинг сафи 30 нафарга етди. Энг муҳими эса яқин атрофдаги хотин-қизлар иш билан таъминланди.

Хусусий корхонанинг асосий фаолияти хусусида тўхталадиган бўлсак, замонавий бичиш ва тикиш дастгоҳлари ўрнатилган цехларда турли соҳа ходимлари учун сифатли, чидамли, қулай ва талабларга мос маҳсуслар иш қийимлари тикилади.



Корхонанинг кўргазмалар залидан дизайнер модельерларнинг энг сунги изланишлари ўрин олади ва бу буюртмачилар учун қулайлик яратди. Шу кунга қадар эса минг хилдан зиёд кийим-кечак моделлари яратилди. Уларни яратишда, албатта буюртмачи талаби, тақлифи инobatга олинади, сифатли матолардан фойдаланган ҳолда ҳар бир соҳа ходимининг меҳнат шарафитини келиб чиқиб тайёрлаб берилди.

— Албатта, биз аввало сифатга эътибор қаратамиз ва ҳар бир буюртмани қабул қилиб олган вақтида уйдлашга масъулият билан ёндашамиз, — дейди фирма раҳбари, тадбиркор аёл Муҳаббат Тошмухамедова. — Шунингдек, харидор топиш, буюртмачиларни жалб этиш мақсадида пойтахтимизда ўтказилаётган турли кўргазмалар, кўрик-танловларда муваффақиятли иштирок этаймиз. Яқинда Халқаро Оила кунига бағишлаб ўтказилган «Энг ибратли тадбиркор оила» танловининг шаҳар бўйича ғолиблигини қўлга кириштириб, диплом ва қимматбаҳо совға соҳиб бўлди. Бундай рағбат ва қўллаб-қувватлашлар бизни муваффақиятларга ундамоқда.

Корхона чеварлари тикаётган иш қийимларидан транспорт, газ, тиббиёт, энергетика, енгил санoат ва бошқа қўллаб соҳа ходимлари фойдаланишмоқда. Шунингдек, корхонада маҳсуслар пойабзаллар ҳам илгор технологиялар асосида маҳаллий чарм хом ашёсидан фойдаланган ҳолда тайёрланмоқда.

Тадбиркорларнинг эзгу нияти хориждан ҳам буюртмачиларни жалб этиб, экспортни йўлга қўйиш бўлиб, айни кунларда уни амалга ошириш йўлида саъй-ҳаракатлар олиб бориляпти. Маҳсулот сифатини ошириш, турларини кўпайтиришни мақсад қилган ҳолда Хитойдан янги дастгоҳлар келтиришга эришилади. Албатта, йил охиригача ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш, қўшимча иш ўринлари ташкил этиш ҳам кўзда тутилган. Изланишлар шундай давом этса, шубҳасиз тадбиркорларга омад ёр бўлади.

Шарофат БАҲРОМОВА

СУРАТДА: цехларда маҳоратли чеварлар меҳнат қилишади.

Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида янги лойиҳалар яратиш, уларни амалга ошириш изланиш, ташаббускорлик ва тадбиркорлик асосида рўёбга чиқади, истиқболли таъминланади.



Бозор ва харидор

ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР САМАРА БЕРАДИ

Импорт ўрнини босувчи ва экспортбо маҳсулотлар тайёрлашни мақсад қилган ҳолда иш бошлаган «FAROVON SHOES» масъулияти чекланган жамиятида айни пайтда кўзда тутилган янги лойиҳалар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Мазкур корхона тадбиркорлари ўз олдига ички бозорни импорт ўрнини босувчи пойабзал маҳсулотлари билан таъминлаш баробарида ташқи бозор учун экспортбо оёқ кийимлари тайёрлашни ҳам мақсад қилиб қўйган.

Ҳозирда корхонада 3 та цех фаолият кўрсатиб, 93 нафар малакали мутахассис меҳнат қилмоқда. Кўзланган асосий мақсадга эришиш ниятида кадрлар малакасини оширишга эътибор қаратилмоқда. Фарғонада фаолият кўрсатаётган «Узсаламан» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонасидан ташриф буюрган 20 нафар тажрибали мутахассислар кўмагидан самарали фойдаланилди. Натижада бугунги кунда корхона цехларида меҳнат қилаётган ёш йигит-қизлар Италиянинг «Маин Групп» фирмаси қўйма дастгоҳлари, Хитойнинг «Дашин» компанияси, Германиянинг «ПФАФ», «Штробель», «Шон», Чехиянинг «Свит» сингари компания ҳамда фирмаларидан келтирилган замонавий технологик линияларни мотирилик билан бошқариб, уларнинг қувватидан самарали

фойдаланишмоқда. Энг муҳими эса бозорни ўрганиш асосида ишлаб чиқарилаётган пойабзал турлари бугунги кун талабига тўла жавоб бераётганидир. Айни пайтда 30-40 хил турдаги ёзги пойабзал турлари харидорларга етказиб берилмоқда.

— Жорий йилнинг ўтган беш ойида корхонамизда ишлаб чиқариш ҳажми 600 миллион сўмдан зиёдни ташкил этди, — дейди директор Дилшод Розиков. — Ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш, маҳсулотнинг янги турларини кўпайтириш мақсадида Хитойдан инвестиция киритишни режалаштирмоқдамиз. Натижада яна янги технологик линиялар ўрнатиб, замонавий жиҳозлар келтириб, йил охиригача ишлаб чиқариш ҳажминини 3 миллиард сўмга етказиш ниятидамиз. Бу билан яна 90 га яқин фуқароларга янги иш ўринлари ташкил этилади. Шунингдек, маҳсуслар кўмагидан самарали фойдаланишлар учун буюртмачиларни ҳам жалб этишни режалаштирмоқдамиз.

Корхона таъсисчиларидан бири саналган «Ўзбекчармпойабзал» уюшмаси бошқаруви раиси ўринбосари Шарифжон Шералиевнинг таъкидлашича, кўзланган лойиҳага кўра, корхонада биринчи босқичда аёллар ва ўсимир қизлар учун баҳорчи, ёзги, кузги пойабзаллар тайёрлашни кўзда тутилган эди. Бу, албатта, ички бозор талаби ҳам сана-

лади. Яна бир лойиҳада эса ўсимир ёшдаги болалар учун пойабзаллар ишлаб чиқариш кўзда тутилган бўлиб, бу янги ўқув йилига ота-оналар ва фарзандларимизга ажойиб совға бўлади. Кейинги босқичда эса сифатли ва рақобатбардош спорт пойабзаллари Италиянинг кўйма агрегатларидан фойдаланган ҳолда тайёрланади. Бу борада корхона дизайнер-модельерлари Тошкент тўқимачилик ва енгил санoат институти мутахассислари билан ҳамкорлик қилишади. Шунингдек, йил охиригача Президентимизнинг касаначилик тўғрисидаги Фармони ижросини таъминлашга муҳим ҳисса қўшиб, касаначи ишчи ўринлари ҳам очилганда, уйда ишлайдиган фуқароларга шарт-шароитлар яратишга эришилади.

Айни пайтда корхона дизайнер-модельерлари кузги оёқ кийимларининг янги замонавий моделлари устида изланишлар олиб боришмоқда. Энг асосийси эса маҳсулотнинг харидор талаб ва эҳтиёжига мос сифатли бўлишига эришиш ҳаммаси эътиборда. Маҳсуслар пойабзалларнинг ҳам иқлим шароитимизга мос, соғлиққа зарар қилмайдиган, соҳа ходимлари учун қулай ва ихчам турларини яратиш устида изланишлар олиб бориляпти.

Тадбиркорлар маҳаллий хом ашё — ўзимизнинг тоза чармдан самарали фой-

даланган ҳолда пойабзаллар тайёрлашни мақсад қилишган бўлиб, айниқса болалар оёқ кийимлари уларнинг соғлом ўсишларини таъминлашда, оёқ товонларининг тўғри ривожланишига эришишда ёрдам беришига эътибор қаратилади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, жамоада ишчи-хизматчиларга яратилган шарт-шароитлар ҳам мактабга аризулик. Улар учун ишга келиб-кейтишда транспорт хизмати йўлга қўйилган, хоҳловчан бўлиб ётоқхона билан таъминланади, шинам ошхона, ювиниш хоналари батариблиги билан ажралиб туради. Шунингдек, ишчилар икки маҳал бепул овқат билан таъминланади. Буларнинг барчаси иш самарадорлиги ва маҳсулот сифатини таъминлашда катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

Пойабзал усталарининг иш бошлаганига ҳали бир йил ҳам тўлгани йўқ. Лекин изланишлар самараси яратилаётган маҳсулотларда кўринмоқда. Насиб этса, улар «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрликли маҳсулотлари билан хориж бозорига ҳам ўзини топшига интилишади. Янги лойиҳалар самара берса, албатта, ниятлар ижобат бўлади.

Шарифа ИЛЁСОВА

СУРАТДА: пойабзалчилар маҳорат билан маҳсулот сифатига эътибор қаратишмоқда.

Ҳақимжон Солиқов олган суратлар



МУСТАҚИЛЛИК

18

**ИСТИҚЛОЛ
ИЖОДКОРЛАР
НИГОҲИДА**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Муҳташам кўргазма заллари, галереялар, болалар ва ёшлар бадиий ижодиёт марказлари, санъатга ихтисослашган таълим масканларининг барпо этилаётгани ўсиб келаётган ёшларнинг истеъдодини ҳар томонлама камол топтириш ва маънавияти, маданий савиясини юксалтириш, халқимизни таъсирли санъатнинг энг юксак намуналаридан баҳраманд этиш, мўйқалам аҳлининг ижодий салоҳиятини кенг тарғиб ва ташвиқ этиш имконини бермоқда. Муштақиллик йилларида бунёд этилган Ўзбекистон таъсирли санъат галереяси, Ўзбекистон маданият ва санъат кўргазмаси зали, Тошкент Фотосуратлар уйи, Ёшлар ижод саройи, Халқаро маданият карвон саройи каби маданий масканлари таъсирли санъат соҳасида сўнгги йилларда эришган ютуқларимиз, бу борадаги янгиликларни юртимиз ва жаҳонга намойиш этилаётган маърифий масканлардир.

Миллий санъатимиз ривожини йўлида кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик Ўзбекистон Бадиий академияси фаолиятида ҳам ўзининг яққол ифодасини топмоқда. Академия томонидан Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси каби бир қатор вазирлик ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ёшлар маънавиятини асраб-авайлаш, юксалтириш, улар қалби ва онгида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини қарор топтиришга хизмат қилувчи ижодий лойиҳалар, фестиваллар, кўрик-танловлар, кўргазмаларнинг ўтказилиши янги аъёнанага айланган.

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишлаб ташкил этилган TashkentALE Фотосуратлар халқаро биеннаlesi, «Тошкент қувончлари» иккинчи халқаро Тошкент болалар расмлари биеннаlesi, «Она шахрим – гўзал Тошкентим», «Менинг шахрим», «Кечаги ва бугунги Тошкент» каби мавзулардаги фото ва бадиий кўргазмалар, ижодий танловлар, «Ўзбекистон таъсирли санъат ҳафталиги – 2009» санъат фестивали ана шундай тадбирлар сирасидандир. Уларда моҳир мўйқалам соҳиблари, фото санъати усталари, ҳайкалтарошлар билан бирга таъсирли санъатга энди кириб келаётган умидли раҳбарлар, талаба-ёшларнинг ижоди кенг намойиш этилгани, гўзал шахримизнинг бой тарихи, истиқлол йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, халқимизнинг яратувчанлик салоҳияти ёрқин рангларида таъсирли санъатимизнинг изчил ривожидан далолатдир.

— Муштақиллик мусаввирлар учун аввало ижод эркинлиги, тафаккур хурлигини берди, — дейди Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, расом Алишер Алиқулов. — Жонажон юртимизни, унинг бетакдор манзараларини, самимий ва меҳмондўст ҳаюратларимизни таъсирли санъатнинг ранг-баранг йўналишлари ва жанрларида акс эттириш, ўз ижодимизни нафақат мамлакатимиз, балки хорижда ҳам кенг тарғиб этиш имкони туғилгани истиқлолнинг санъат аҳлига берган катта нэматларидандир.

Анжуманда Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини муштақамлаш йўлида олиб борилаётган ишхўрликнинг аҳамияти, мазмун-моҳияти, бу борада ижодкорларнинг бурчи ва масъулияти хусусида атрофлича сўз юритилди.

Назокат **УСМОНОВА**,
Ўза муҳбири

Куни кеча Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Полвонлар миллий энциклопедияси» жамияти тақдимотига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тақдимот

ХАЙРЛИ МАҚСАДЛАРНИ КЎЗЛАБ

Тадбирда бир қатор вазирлик ва ташкилотлар раҳбарлари, Ўзбекистон Республикаси шарқ яққа курашлари ва жанг санъатларини ривожлантириш маркази вакиллари, мамлакатимизда яққа-яққа кураш турларини ривожлантиришга ҳисса қўшган машҳур спортчилар, мураббийлар, жаҳон ва республика чемпионлари, соҳа мутахассислари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

— Полвонлар миллат орномуси ва гурури-ифтихори хисобланади, — дейди «Полвонлар миллий энциклопедияси» жамияти раиси Норкул Юсупов ўз сўзида. — Халқимиз улар қиёфасида Ватанни балоказолардан асрашга қодир, бу йўлда жонини ҳакам фидо қилишга тайёр азамат ва мард ўғлонларни кўриб ҳурматлаб келади. Уларда олижаноблик, ҳалоллик

ҳатто рақибига нисбатан ҳам ҳурмат олдинги ўринда туради. Полвонларимиз ҳақида ҳар қанча ёзса ҳам кам. Юртимиздан кейинги йилларда миллатимиз номини дунёга танитган дзюдочилар, эркин ва юнорум кураши вакиллари, боксчилар, кураш усталари етишиб чиқди. Улар орасида ўзбек бокси афсонаси Руфат Рискиев, бокс бўйича Сидней Олимпиадаси ғолиби Мухаммадқодир Абдуллаев, самбо бўйича жаҳон чемпиони Собир Курбанов, дунёнинг не-не полвонлари курагини ерга теккизган Бобомурод Файзиев, кураш бўйича биринчи жаҳон чемпиони Тоштемир Мухаммадиев, фахрийлар ўртасида беш карра жаҳон чемпиони бўлган Нурмухаммад Юсупов, жаҳонга танилган ўзбек ўғлини Абдулла Тангриев ва бошқа кўплаб юртдошларимиз номини фахр билан бирма-бир санашимиз

мумкин. Юртимиз тарихи, ҳозирги кунда мамлакатимизда миллий спорт турларини ривожлантиришга бўлган эътибор, соғлом турмуш тарзини аҳолининг кенг қатламлари ўртасида тарғиб қилиш, машҳур полвонлар, спорт усталари хотирасини абадийлаштириш, улар эришган ютуқларини ёшлар ўртасида омалаштириш ва рағбатлантириш ҳамда ҳаётини спортга бағишлаган фахрий полвонларнинг келгуси фаолиятида кўмаклашиш мақсадида ҳам ушбу жамият ташкил этилди. Мазкур жамият фаолиятининг устувор йўналишлари — юртимизда яққакураш федерациялари, ассоциациялари ва клубларига курашчиларнинг маънавий ва маърифий малакаларини оширишда кўмаклашиш, спортнинг ушбу турларини ривожлантириш борасида миллий ва халқаро конференциялар ўтка-

зиш ҳамда бу йўналишларни янги босқичга кўтаришга қаратилган бошқа тадбирларни ташкиллаштириш кўзланган. Умид қиламизки, ушбу янги жамият келажақда ўз мевасини беради.

Шунингдек, анжуман давомида Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов, «Ўзбекистон овози» газетаси бош муҳаррири Сафар Остонов, Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Турсунали Қўзиев, Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди раиси Жамолитдин Ҳакимов ва бошқалар янги ташкил этилган жамиятнинг мақсад-вазифалари, фаолият йўналишлари ҳақида батафсил маълумот бердилар.

Анжуман фикр-мулоҳазалар ва савол-жавобларга бой тарзда ўтди.

Гуллигор САТТОВА

Агар турмуш тарзимизга боғлиқ бўлган соғлигимизни 100 фоиз деб олсак, шундан 80 фоизи овқатланиш тартибига боғлиқ. Соғлом одамнинг овқатланиш рационасида бир кеча-кундузда 80 гр. оқсил, 80-90 гр. ёғ, 400-450 гр. углеводлар, 0,1 гр витамин, 20 гр. минерал модда ва микроэлементлардан иборат бўлиши лозим.

овқатланганда, тановул қилаётган таомингиз яхши ҳазм бўлади. Овқатларни гигиеналаридан яна бири

масдан ейиш, яхши чайнаш ва иссиқ ҳолда емасликни ўргатиш лозим. Шунинг унутмаслик керакки, ҳар бир одам кунда кўлини 10-12 марта ювиши керак.

Ҳар бир инсон соғлом турмуш тарзига риоя қилиши зарур. Турли хил овқат маҳсулотларини истеъмо қилиш керак, унинг кўп қисмини ҳайвон маҳсулотлари эмас, ўсимлик маҳсулотлари ташкил этсин. Бир кунда 400-500 гр.

турли хил мевалар тановул қилиш саломатлик учун низоҳатда муҳим аҳамиятга эга. Ёғли гўшт ва гўшт маҳсулотларини нўхот, мош, ловия каби дуккакиларга, балиқ, парранда гўшти ва ёғсиз гўшларга алмаштириш керак. Сут, кефир, пишлок, йогурт, қатиқ фойдаландир. Ширинликларни эса камроқ истеъмо қилинг.

Тузни камроқ ишлатинг, овқатларга фақат йодланган туз зарур. Янги туғилган чақалоқларни 6 ой кўкрак сuti билан боқинг, кейин қўшимча овқат истеъмо қилишга аста-секинлик билан кўкрак сutiдан ажратмаган ҳолда ўргатинг. Бола яхши ривожланиши учун 2 ёшгача кўкрак сuti билан боқиш зарур.

Ҳамида ХОЛМАТОВА,
Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиали ходими

**Мутахассис маслаҳати
ТЎҒРИ ОВҚАТЛАНИШНИ
БИЛАСИЗМИ?**

Одамлар гўшти овқатлар, қанд, чой, кофе, алкоғолли ичимликлар ичиш ва ундан қилинган нон каби маҳсулотларни истеъмо қилиб ўз организмларини қай даражада қийнашларини тушуниб етмайдилар. Кундалик ҳаётимизда амал қилишимиз лозим бўлган муҳим қридалардан бири — бу овқатланиш тартибидир. Кунига уч марта овқатланганда кечки овқатнинг калория қиймати бир кунлик умумий калория қийматининг 25 фоиздан ошмаслиги ва уйкуга кетишдан камиди 3 соат олдин истеъмо қилиниши унинг яхши ҳазм бўлиши ва туңги уйқунинг мезёрий кечини таъминлайди. Ҳар овқатланишдан олдин қўлларимизни тозалаб совунлаб ювиб, сончида куритамиз. Овқатланиш пайтида гавдани тўғри тутиб бутун диққатимизни овқатга қаратишимиз керак экан. Чунки овқатланаётган пайтда оғизга тушган лужмани 27 марта чайнаб ютиш керак. Ҳар хил нарсаларга чалғимаслик, яъни газета ўқимаслик, телевизор кўрмаслик, асаб бузадиган ҳар хил гапларни гапирмаслик, фақат яхши, ёқимли музика остида

овқат тайёрлаётганда ва тановул қилаётганда бошингизга рўмол ўраганингиз маъқул. Чунки соч ёки сочдаги кўринмас заррачалар таомга тушиб, истеъмо қилганда сўнг баъзи бир касалликларни келтириб чиқариши мумкин. Кўча-кўйларда ҳозирги кунда кўп тарқалган таомлардан гамбургер, чизбургер, хотдог қабилари кўп ювмасдан транспортларда, бозорларда тановул қилиш овқатланиш гигиенасига зиддир. Овқат тановул қилганда 1-2 соат кейин суюқликлар, яъни мева шарбатлари, сув, чой ичиш мумкин. Агар уларни овқат билан бирга истеъмо қилсак, камқонлик касаллиги келиб чиқади. Овқатни меҳр билан, бутун диққатимиз билан тайёрласак, у мазали ва тўйимли, сифатли бўлади. Болаларни ёшлардан тўғри овқатланишга ўргатиш зарур. Қошиқни ўнг қўлда ушлаш, шош-

Санъат

**СЎЛИМ ТАБИАТ ҚЎЙНИДА
АМАЛИЁТ МАШҒУЛОТЛАРИ**

Маълумки таъсирли санъат билан шуғулланувчи мутахассис рассомларнинг аксарияти манзара жанрига тез-тез мурожаат қилиб туришлари бежиз эмас. Чунки табиатдан бевосита қараб чизилган, акс эттирилган мавзули кўринишни ҳаққоний қилиб ишлаш пайтида ижодкор атроф-муҳитдаги ранг-туслар муносабатини илғаш, ўрганиш орқали бадиийликка эришиб, ўз малакавий маҳоратини ошириб боради. Ранглар ёрқинлиги ва жозибали кўриниши, сифатига эришади... Бу ҳолат ўз навбатида таъсирли санъат илмини ўрганаётганлар учун ҳам бегона эмас.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети «Санъат» факультети талабаларининг ёзги «плена» амалиёт машғулотлари одатдагидек июль ойининг биринчи ўн кунлигида Бўстонлик туманидаги сўлим Хумсон қишлоғида бўлиб ўтди. 50 дан зиёд 1, 2, 3-курс талабалари ва 10 га яқин рассом-педагогларни ўз бағрига олган олий ўқув юртининг дала-ўқув амалиёт базаси худуди ўзининг хушманзаралиги ҳамда соф ҳавоси, булоқ сувлари билан ажралиб туради. Қизиқарли машғулотлар пайтида талабалар атроф-муҳит гўзалликлари, тоғ манзараларини таъсирли рақамлар билан бажариш баробарида ўз соғлиқларини муштақамлаб олиш имкониятига ҳам эга бўлдилар. — Талабаларнинг ўқув йили давомида аудиторияларда олган назарий билимларини амалда, табиатни акс эттириш орқали синовдан ўтказиши жуда зарур жараёнлардан бири хисобланади, — дейди амалиёт раҳбари доцент Руслан Халилов. — Бўлажак рассом-муаллифларга тажрибали профессор-ўқитувчилардан Фофур Абдурахмонов, Янис Салпинкиди, Эргаш Носиров, Нозимхўжа Абдусаломхўжаев, Нодира Орипова, Ҳайитбой Султонов каби устозлар яхши сабоқ бердилар. Айниқсан, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббий-



си, профессор Фофур ака Абдурахмонов олиб борган «мастер-класс» кўргазмали маҳорат дарслари барчада қизиқарли ҳиссини уйғотди. Машғулотларни янги педагогик технологиялар билан ижодий тарзда бойитишга имкон берди. Дала амалиёти сўнггида ёш рассом-талабаларнинг табиат қўйнида яратган графика, рангтаъсир, композицияга оид

ранг-баранг машқури асосида кўргазма ташкил этилиб, юздан зиёд сара ижод намуналари намойишга қўйилди ҳамда устозлар томонидан муносиб баҳоланди.

Баҳром ТОЖИБЕВ,
рассом-педагог
СУРАТДА: талабалар амалиёт жараёнида



**МАШРИҚЗАМИН —
ҲИКМАТ БЎСТОНИ**

ҲИКМАТЛАР

**БЕШ ТОИФАДАН ДЎСТЛИК
ЧИКМАЙДИ**

Бир донишманд дейди:
— Беш тоифа киши билан дўстлик ва улфатлик қилманг, улар билан ҳеч вақт суҳбат қурманг: биринчиси — фиску-фужур аҳли. Улар сени халқ орасида расво ва шарманда қилади. Бир лўқма нон учун сени сотишдан қайтмайдилар. Уларнинг одатлари шуки, сендан доим бир нарса тама-сида бўлишади, агар бермасанг, халқ ичида сенинг ҳақингда ёмон гаплар тарқатишади, обрўйингни туширишади. Одамлар эса гапнинг тағига етмасдан, сен билан ёмон муомала қила бошлайдилар...

Иккинчиси бахил ва хасис кишилар. Агар сен бирор нарсага муҳтож бўлиб қолсанг, улар ҳеч қачон сенга бермайдилар. Сенинг молу давлатингни эса уялмай ейдилар. Тугаса, душманин-га айланадилар. Мен бунини ўз бошимдан кечирганман. Пулим кўплигида дўстларим кўп эди. Камбағалликка тушиб қолганимда эса душманга айланишди, таъна тошини отишди, одам қаторига қўшмай қўйишди!

Учинчиси ёлгончидир. Кимда бу хислат борлигини сезсанг, ундан узоқроқ юр. Улар сени ўз яқинларингдан айриришади ва бегоналарни яқинлаштиради.

Тўртинчи тоифа жоҳил, нодон ва аҳмоқ кишилардир. Улар билан бўлган суҳбат кишига аста-секин таъсир эта бошлайди, тўғри йўлдан оздиради, одамнинг ниятини бузади.

Бешинчи тоифа эса лақма ҳамда дилида меҳри йўқ кишилардир. Бундай кишиларни малъун деб аташ муносибдир!

ДЎСТ УЧ ХИЛ БЎЛАДИ

Муиниддин Жувайний айтади:
Дўст уч хил бўлади. Биринчиси овқат кабидир, улардан ҳеч ажраб бўлмайди. Иккинчиси дорига ўхшайди ва уларга гоҳ-гоҳ ишинг тушади. Учинчиси дардга ўхшайди ва улардан ҳеч қандай яхшилик келмайди.

ДЎСТ ОФИР КУНДА БИЛИНАДИ

Бир улуг кишидан сўрадим:
— Нечта дўстинг бор?
У деди:
— Билмайман, чунки ҳаётим ҳозир яхши, молу ҳолим эса кўп. Дўстинг кимлиги оғир кунда билинади.

САДОҚАТ БЕЛГИСИ

Муиниддин Жувайний ҳикоя қилади:
— Ёшлиқ онларимда дадамдан: «Муҳаббат даъвосини қилиб, ака-укаликдан лоф урган кишиларнинг ўз сўзларида содик, қалбан мустаҳкам эканликларини қандай билса бўлади?» — деб сўрадим. Дадам: «Ўз бахти ва ҳаётини сенга таклиф қила олиши билан!» — деб жавоб берди.
Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади



Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ
Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатта олинган.
Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
2857 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.
12 45